

## Шамоилул-Муҳаммадия / РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ КЎРИНИШЛАРИ / 4-ҳадис

4 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ قَالَ: حَدَّثَنَا كَيْعُ قَالَ: حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ، عَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ قَالَ: مَا رَأَيْتُ مِنْ ذِي لِمَّةٍ فِي خُلَّةٍ حَمْرَاءَ أَحْسَنَ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ، لَهُ شَعْرٌ يَضْرِبُ مَنْكِبَيْهِ، بَعِيدٌ مَا بَيْنَ الْمَنْكِبَيْنِ، لَمْ يَكُنْ بِالْقَصِيرِ وَلَا بِالطَّوِيلِ.

Барро ибн Озиб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Қизил либос кийганда сочлари узун Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан кўра чиройлироқ кишини кўрмадим. У зотнинг сочлари елкаларига тушиб турар, икки елкаларининг ораси кенг эди. У зот бўйи паст ҳам, узун бўйли ҳам эмасдилар».

**Шарҳ:** Бу ҳадисда юқорида ўтилган сифатлар такрор келган. Фақат олдинги ҳадислардан фарқли ўлароқ бунда сочлари қулоқларининг юмшоғигача эмас, елкаларигача тушиб тургани таъкидланмоқда. Шуни билиш керакки, пайғамбаримиз соллоллоху алайҳи васалламнинг бир сифатларини икки ровий томонидан икки хил васфланиши, ровийнинг пайғамбаримизни кўрган вақтига боғлиқ. Масалан бир ровий у зотни сочлари елкаларигача тушиб турганда кўрган ва кўрган нарчасини ривоят қилган. Яна бошқа бир ровий у зотнинг сочлари қулоқларининг юмшоғигача тушиб тарганда кўрган ва кўрганини ривоят қилиб қолдирган. Бу ерда ҳеч қандай бир-бирига қарама қарши сифатлар йўқ.

динда ғулув кетиш, мўътадилликдан оғиш билан ажралиб туришган. Муслмонларнинг кўпчилигини кофир деб, уларнинг жони ва молини ҳалол санашган ва кўплаб бошқа бузғунчиликлар ҳам содир этишган. Али розияллоху анху бошчилигида бир қанча саҳобалар улар билан баҳс олиб бориб, кўпларини нотўғри фикрларидан қайтарган. Аммо айримлари ўз қарашида қатъий туриб олган. Натижада улар билан Али розияллоху анху ўртасида жанг бўлиб, унда хаворижлар мағлуб бўлган.

[1] Муҳаммад ибн Исмоил. Олтин силсила. Саҳиҳул Бухорий. - Тошкент: Хилол нашр, 2018. - Б: 5293

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI